



“ХАВФСИЗЛИК” ТУШУНЧАСИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).

Раджабова Ҳафиза Шукруллоевна
ИИВ Академияси
Маънавият ва маърифат маркази музейи бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6499580>

Аннотация. Ушбу мақолада асосий эътибор қаратиш лозим бўлган масала “хавфсизлик” тушунчаси бўлиб, унинг лексик-семантик таҳлили, турли луғатларда ушбу сўзга берилган таърифлар, “security” (хавфсизлик) лексикасини ўрганиш орқали ушбу тушунчага оид сўз ва ибораларни тизимли тадқиқи ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: хавфсизлик, жамоат хавфсизлиги, тушунча, атамалар, калькалаш, сўз ва иборалар.

Annotation. The main issue that should be paid attention to in this article is the concept of "security", its lexical-semantic analysis, the definitions given to this word in different dictionaries, the systematic study of words and phrases related to this concept of "security".

Keywords: security, public security, notion, terms, kalkalash, words and phrases.

Даставвал “хавфсизлик” тушунчасининг тарихига эътибор берадиган бўлсак, ушбу атама 1190 йилларга бориб тақалади. Унга кўра Робер тушунчага қуйидагича

таъриф беради: “ўзини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳиятининг хотиржам ҳолати”¹. Ушбу маънода мазкур термин Фарбий Европа

¹“ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК” Ҳасан АБУЛҚОСИМОВ “Akademiya” нашриёти Тошкент – 2006, 5-б.

ҳалқлари лексиконида XVII асргача қўлланилган. Тарихнинг кейинги даврларида давлат тузилмаларининг шаклланиши билан боғлиқ равишда «хавфсизлик» тушунчаси моддий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда давлат қурилиши, бошқариш органлари тенденцияларига мос келадиган реал хавф-хатарнинг (жисмоний ва маънавий) йўқлиги натижасида вужудга келадиган тинчлик ҳолати шароити маъносини англаган².

“Хавфсизлик”

тушунчасининг турли соҳаларда ишлатилишига қараб уларнинг маъноларини турлича таҳлил қилиш мумкин. Лекин ғоянинг умумийлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳаётда учраши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ҳимояланиш, кафолатланиш маъноларини билдиради.

“Хавфсизлик” тушунчаси инглиз тилига 16 асрда лотин тилидан кириб келган бўлиб,

“*securus*” (хавотирдан холи бўлиш), *se* (without) + *cura* (care, anxiety)³ маъносини англатади. Қуйида бир қанча луғатларда “хавфсизлик” тушунчасига берилган изоҳлар билан танишиб чиқишимиз мумкин:

- the safety of a state or organization against criminal activity such as terrorism, theft, or espionage (Oxford Dictionary of English, 3rd Edition © Oxford University Press 2010);
- Security refers to all the measures that are taken to protect a place (Collins Cobuild Advanced Learner’s English Dictionary. New Digital Edition 2008);
- procedures followed or measures taken to ensure such safety (New Oxford American Dictionary, 3rd Edition © 2010 by Oxford University Press Inc.);
- the security of the nation's citizens (Concise Oxford

² “ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК” Ҳасан АБУЛҚОСИМОВ “Akademiya” нашриёти Тошкент – 2006, 6-б.

³ Online Etymology Dictionary. "[Origin and meaning of secure](http://www.etymonline.com)". www.etymonline.com.

American Thesaurus. © 2006 by Oxford University Press);

- the state of being secure (Collins English Dictionary. 8th Edition first published in 2006);
- 1. things that are done to keep a person, building, or country safe from danger or crime 2. protection from bad things that could happen to you (Longman dictionary of Contemporary English for advanced learners).

Инглиз тилидаги “security” (хавфсизлик) лексикасини ўрганиш орқали ушбу тушунчага оид сўз ва ибораларни тизимли тадқиқ қилишга эътибор қаратилди.

1. Сифатлар билан ифодаланиши:

tight/strict security – кучли (мустаҳкам) хавфсизлик;

high/maximum security – юқори даражадаги хавфсизлик;

lax security – султ хавфсизлик;
heightened security – кучайтирилган хавфсизлик;

national security – миллий хавфсизлик;

state security – давлат

хавфсизлиги;

public security – жамоат хавфсизлиги;

personal security – шахсий хавфсизлик;

internet security – интернет хавфсизлиги;

high-security/ low-security – юқори даражадаги хавфсизлик / султ даражадаги хавфсизлик;

maximum-security/top-security – юқори даражадаги хавфсизлик.

internal security troops – ички кўшинлар.

2. Феъллар билан ифодаланиши:

improve/tighten security – хавфсизликни кучайтириш;

provide security – хавфсизликни таъминлаш;

ensure/guarantee security – хавфсизликни таъминлаш / кафолатлаш;

threaten/compromise security – хавфсизликка таҳдид солмоқ;

carry out security – хавфсизликни амалга ошириш;

3. Security +Noun шаклида:

the security service/forces –
хавфсизлик хизмати;

security of (the) person- шахсий
дахлсизлик;

the security alert - хавфсизлик
ҳақида огоҳлантириш;

security
measures/arrangements/precautions -
хавфсизлик чоралари;

a security check - хавфсизлик
текшируви;

a security guard - хавфсизлик
ходими;

security light - хавфсизлик
чироғи (тунда бирор бинога
кирганда автомат тарзда ёнадиган);

security staff - хавфсизлик
ходимлари;

a security camera/video -
хавфсизлик камераси;

a security system - хавфсизлик
тизими;

a security risk - хавфсизлик
эхтимоли;

for security reasons -
хавфсизлик сабаб;

a security situation -
хавфсизлик ҳолати;

security clearance –
хавфсизлик рухсатномаси;

a security firm - хавфсизлик
фирмаси;

a security tag - хавфсизлик
ёрлиғи;

security of frontiers - чегаралар
хавфсизлиги.

4. **Ибораларда ифодаланиши:**

be security conscious –
хавфсизлик юзасидан жуда
эҳтиёткор бўлиш;

a breach of security –
хавфсизликка раҳна солиш;

a threat to security -
хавфсизликка таҳдид;

peace and security –тинчлик ва
хавфсизлик;

a false sense of security –
ҳақиқий вазият қандай бўлишига
қарамай ўзни хавфсиз ҳис қилиш.

Сўз ва ибораларни таржимасида калькалаш таржима усулининг “лексик калька” (ўзга тил луғавий бирлигидан қисмга - қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз, луғавий калька), “семантик калька” (ўзга тилга оид сўз билдирадиган маънони ўзлаштириш натижасида ўз тилдаги сўзга шу маънонинг берилиши), ва

“генерализация” (таржима килинаётган бирликнинг маъноси таржимада кенгроқ берилиши)⁴ турларидан фойдаланилди.

Юқоридагилардан ташқари “хавфсизлик” тушунчасига синоним сифатида қуйидаги сўзлардан ҳам фойдаланиш мумкин: **safety, freedom from danger, protection, invulnerability.**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XX асрнинг сўнгги йилларида “хавфсизлик” тушунчаси дунё халқлари томонидан кенг ва тез-тез фойдаланиладиган тушунча бўлиб қолишига сабаб, бу инсоният ривожланишининг мураккаблашуви, ядро, атом ва

бошқа оммавий қирғин курулларининг кенг тарқалиши, экологик вазиятнинг кескинлашганлиги, янги хавфли касалликларнинг вужудга келиши, терроризм хавфининг кучайиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, уларда бозор ислохотларининг амалга оширилиши билан изоҳланади⁵. Дунёдаги бундай ўзгаришлар хавфсизлик, умумий ва миллий хавфсизлик муаммоларига бўлган эътиборни янада кучайтиради ва тушунчага оид сўз ва ибораларнинг муқобил таржимаси билан танишишни ҳам тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК” Ҳасан АБУЛҚОСИМОВ “Akademiya” нашриёти Тошкент – 2006.
2. Online Etymology Dictionary. "Origin and meaning of secure". www.etymonline.com.
3. Oxford Dictionary of English, 3rd Edition © Oxford University Press 2010
4. Collins Cobuild Advanced Learner’s English Dictionary. New Digital Edition 2008
5. New Oxford American Dictionary, 3rd Edition © 2010 by Oxford University Press Inc

⁴ КУДРАТ МУСАЕВ “ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ” «Фан» нашриёти, 2005.- 199 б

⁵ “ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК” Ҳасан АБУЛҚОСИМОВ “Akademiya” нашриёти Тошкент – 2006, 6-7 б.

6. Concise Oxford American Thesaurus. © 2006 by Oxford University Press
7. Collins English Dictionary. 8th Edition first published in 2006
8. Longman dictionary of Contemporary English for advanced learners